O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'LIY KENGASH PALATASI
№
Majburiy bepul nusxa

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 25 ноябрь, № 227 (5142) Пайшанба

## Ўзбекистон — Қатар:

# ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Қатар Давлати араб дунёсида жадал ривожланаётган, нафақат ўз минтақаси, балки бутун жаҳонда салмоқли нуфузга эга мамлакатлардандир. Унинг йирик сиёсий анжуманларга, спорт мусобақаларига мезбонлик қилиши бунга мисолдир. Қатар илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, илм-фанни ривожлантириш, сармоявий фаолият соҳаларида ҳам араб мамлакатлари орасида етакчилик қилади.

Ўзбекистон ва Қатар халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муштарак интилишлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт глобаллашиб, жаҳон бозорларида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда энергия манбаларига, замонавий технологияларга, транспорт коммуникациялари тармоқларини янада ривожлантиришга талаб тобора ошмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Қатарнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилаётганини англатади. Шу жиҳатдан Президент Ислом Каримовнинг Қатарга ташрифи ўз вақтида амалга оширилган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди.

24 ноябрь куни Қатар Давлати Амирининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қатарнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокарасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳасидаги, шунингдек, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қатар ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини, айниқса, транспорт коммуникациялари, нефть-газ, кимё саноати, қурилиш, савдо, сайёҳлик, юқори технологиялар каби соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ бўлишини таъкидлади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ушбу ташриф Ўзбекистоннинг Форс кўрфази ва бутун араб дунёси билан муносабатларини ривожлантиришда ҳам долзарб аҳамият касб этишини қайд этди.

Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Қатарда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар диққат билан кузатиб борилаётганини таъкидлади. Қатар ишбилармон доиралари ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билдираётганини қайд этди. Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсатига юксак баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Қатар БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида Ўзбекистон билан Қатар ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Қатар табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, экспорт таркибида тайёр маҳсулот улушини ошириш, умуман, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш борасида тажриба алмашиш, энергетика, кимё саноати, транспорт коммуникациялари, қурилиш, сайёҳлик, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини шакллантириш борасидаги ташаббусини ҳаётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Яқинда Теҳронда Ўзбекистон, Эрон, Уммон ва Туркманистон вакилларининг кенгаши ўтказилиб, унда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Туркманистонни Эроннинг жанубий бандаргоҳлари билан темир йўл орқали боғлаш Форс ва Уммон кўрфазлари билан бутун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ғоят муҳим алоқа тармоғини яратиш имконини беради. Юклар, жумладан, транзит юклар ташувига автомобиль ва денгиз транспорти ҳам жалб этилса, савдо ҳажми янада ортади. Қатарнинг бу жараёнда иштирок этиши минтақада сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш, жумладан, мазкур транспорт тармоғини ривожлантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон ва Қатар нефть ва газни қайта ишлаш, савдо, қурилиш, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик учун улкан салоҳиятга эга. Хусусан, нефть-газ ва тўқимачилик саноатида хом ашё ва тайёр маҳсулот нархи ўртасида катта фарқ бўлади. Қўшма корхоналар тузиш бу йўналишларда икки томонлама манфаатли алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Қатар қурилиш соҳасида ҳам бой тажриба орттирган. Шу маънода, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси истиқболли саналади.

Томонлар яқинда Қатар пойтахтида ўтган икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми натижаларини юксак баҳоладилар. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган эди. Бундай тадбирлар икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти билан атрофлича танишиш ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш учун қулай имконият яратади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида гуманитар ҳамкорлик, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, спорт ва маданият каби соҳалардаги алоқаларга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яқинда Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби араб тилида нашр этилиб, Доҳа университетида унинг тақдимоти бўлди. Бу Қатарда Ўзбекистон раҳбарига, ўзбек халқига ва унинг маънавий қадриятларига, Мовароуннаҳрнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларига юксак ҳурмат-эҳтиромдан яна бир ёрқин далолатдир. Бу эса икки мамлакат ўртасида гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакатни бирбирига яқинлаштирадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун Ўзбекистон ва Қатар дунёдаги иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган беш мамлакат сирасига киради. Икки мамлакат ҳам экспортда хом ашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Музокара якунида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлатининг Қўшма баёноти, Савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан "Қатар холдинг" сармоявий компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси билан "Қатар Петролиум Интернэшнл лимитед" компанияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон ва Қатар савдо-саноат палаталари ўртасида Тадбиркорлар қўшма кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим шулар жумласидандир. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Қатарнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги учун мустаҳкам асос яратади.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари ислом санъати музейига ташриф буюрди. Бу ерда Марказий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларидан, Ҳиндистон, Испания ва кўплаб бошқа давлатлардан келтирилган қадимий артефактлар, манускриптлар, қурол-аслаҳа намуналари, амалий санъат ва халқ ҳунармандлиги буюмлари намойиш этилади. Музейдаги қимматли тарихий материаллар орасида Темурийлар даврига оид экспозицияга алоҳида ўрин ажратилган. Мамлакатимиз раҳбари ушбу музей Қатарда ислом цивилизацияси қадриятлари алоҳида эъзозланишидан далолат эканини таъкидлади. Музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Президент Ислом Каримов Доҳа марказидаги "Таълим шаҳарчаси" — замонавий илм-фан ва таълим мажмуасига ҳам ташриф буюрди. Бир неча университет ва илмий марказларни ўз ичига олган бу мажмуа юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, бу ерда дунёдаги кўплаб йирик университетларнинг филиаллари жойлашган. Улар орасида Жоржтаун ва Виржиния университетларининг (АҚШ) филиаллари ҳам бор. "Таълим шаҳарчаси" нафақат Қатар, балки бутун Форс кўрфази минтақасининг энг нуфузли илм-фан ва таълим маркази сифатида эътироф этилган.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қатар Давлатига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф икки мамлакат муносабатлари тарихидаги олий даражадаги илк учрашув бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ва улкан имкониятлар яратди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Доҳа — Тошкент

**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

---

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлди.***

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Маърузада юртимизда кечаётган серқирра жараёнлар катта интеллектуал куч билан чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинди, мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлга ва демократик жамият ҳамда бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасидаги ютуқларга баҳо берилди. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг маърузасида ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясини изчиллик билан амалга оширишнинг янги марралари белгилаб берилди.

Сенаторларнинг, барча даражалардаги депутатлар корпусининг ғоят муҳим вазифаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маърузасида баён этилган қоида ва хулосаларни кенг жамоатчиликка, Ватанимизда яшайдиган ҳар бир инсон эътиборига етказишдан иборатдир.

Мана шу масъулиятли вазифанинг тўлақонли бажарилиши, кўп жиҳатдан, вакиллик ҳокимияти органларининг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилишига, парламент ишида очиқлик ва ошкоралик таъминланишига ҳам боғлиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда 24 ноябрда ўтказилган семинар-тренингда сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАҚСАД — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари томонидан суд органлари ходимлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Фуқаролар манфаатларига хизмат қилаётган бундай ўзгаришлар Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда чуқур таҳлил этилган.

(Давоми 2-бетда).

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Пойтахтимизда 24 ноябрь куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Тайланд ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, сайёҳлик, божхона, озиқ-овқат, машинасозлик ва фармацевтика соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Н. Нажимов Ўзбекистон билан Тайланд ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, тўқимачилик, маданият, фан-таълим, спорт ва сайёҳлик каби соҳаларда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Тайланд ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кучайтираётир.

Ўзбекистон билан Тайланд ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялашга, ҳаво алоқасига оид битимлар амал қилмоқда. Икки мамлакат савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Мамлакатимизда тайландлик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар, асосан, ипакчилик ва озиқ-овқат саноати соҳасига ихтисослаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан "Ўзстандарт" агентлигининг кичик бизнес субъектлари ва агрофирмалар ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштиришнинг ҳолати ва муаммолари" мавзуида парламент эшитуви ташкил этилди. Унда "Ўзстандарт" агентлиги раҳбарининг ахбороти тингланди.***



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистонда спортни ривожлантиришда Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилишнинг тутган ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.***

***Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ва бу ўзининг юксак натижаларини бераётир.***

# АМАЛИЙ ИШЛАР САРҲИСОБИ

Қайд этилганидек, мазкур агентлик томонидан "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштиришга доир қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилаётир. Жумладан, 2008-2009 йиллар мобайнида агентликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан 557 та корхонада ишлаб чиқарилаётган 1311 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифати давлат назоратидан ўтказилган. Ушбу текширувлар натижаларига кўра, 544 та корхонада 773 турдаги маҳсулот давлат стандарти талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланган. Озиқ-овқат маҳсулотлари сертификатлаштирилмаган ҳолда сотилганлиги учун жами 596149 минг сўм иқтисодий жарима қўлланилган.

Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, корхоналарда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини тизимли равишда таъминлаш тадбирлари ҳам олиб борилаётганини айтиб ўтиш лозим. Республикада жами 148 та корхонада жорий этилган ИСО/МЭК 22000 халқаро стандарти асосида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизимлари бўйича "Тошкент ёғ-мой комбинати" ва "GOLDEN WING" қўшма корхонасида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими яратилиб, сертификатлаштирилган. Шу билан бирга, сотилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг санитария ва ветеринария меъёрларига мувофиқлигини текшириш бўйича жами 218 та деҳқон бозорида синов лабораториялари ташкил этилган.

Таъкидлаш лозимки, жойларда озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш ишларини амалга оширишга эътибор кучайтирилди. Шу мақсадда 41 аккредитацияланган сертификатлаштириш идораси ва 98 та синов лабораториясининг фаолияти "Ўзстандарт" агентлиги томонидан доимий назоратга олинган. Мисол учун, ўтган йил давомида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаштириш жараёнида жами 911 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз, деб топилган.

Парламент эшитувида иштирок этган тадбиркорлар ва агрофирмалар раҳбарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштиришда айрим камчиликлар мавжудлигини қайд этдилар. Бунда баъзи бир ноҳиядаги мамлакатлардан келтирилган ускуналарни сертификациялашда ҳам муаммолар учраётир. Маълумки, МДҲ давлатлари билан аввалдан сертификациялаш масаласида келишувлар мавжуд бўлиб, мамлакат бозорига кириб келаётган янги иштирокчилар билан бундай келишувларни амалга ошириш ва аввалгиларининг муддатларини узайтириш зарур бўлмоқда.

Парламент эшитуви натижаларига асосан, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда ЎзЛиДеП фракцияси томонидан тегишли хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

# СПОРТДА ДОПИНГГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Жумладан, юртимиз спортчилари Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпиада мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш ва шу орқали жисмонан соғлом, маънан бақувват авлодни тарбиялаш мақсадида бугунги кунда барча вилоятларда олимпия захиралари коллежлари ва спорт мактаблари изчил фаолият юритаётир. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан туманлар марказлари ва олис қишлоқларда ҳам кўплаб спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Шунингдек, ёшларни оммавий спортга жалб этиш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари", ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида Универсиада спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Эътиборлиси, ушбу спорт ўйинларида иштирок этувчилар сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

Давра суҳбатида соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари хусусида атрофлича сўз юритилди. Жумладан, 1992 йил 14 январда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2000 йил 26 майда янги таҳрирда тасдиқланган ва унга 2005 йил 15 сентябрда ўзгартишлар киритилган. Мазкур ҳужжатда спортда допингнинг қўлланилишини тақиқловчи нормалар мавжуд бўлиб, булар спортчилар соғлиғини сақлаш ҳамда спортда адолатлилик тамойилларига амал қилишга хизмат қилиб келмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси томонидан, ЮНЕСКОнинг аъзоси сифатида, мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини оширади ва юртимизда спортга қаратилаётган эътиборни янада кучайтиради, — дейди мазкур қўмита аъзоси, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси С. Абдиназаров. — Шу билан бирга, соҳа вакилларининг ўз ишига масъулиятини кучайтиради, спортчиларимизнинг халқаро ареналарда халқимиз номидан шараф билан иштирок этишларига замин яратади. Шу боис ушбу Конвенцияни ёшлар, хусусан, спорт билан шуғулланаётганлар орасида тарғиб қилиш, мазмун-моҳияти ва нормаларини тушунтириш, етказиш, допингни қўллаш, қўллашга ҳаракат қилиш, ёрдам кўрсатиш ҳамда тарқатишни тақиқловчи нормалар билан уларни яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир якунида иштирокчилар спортда допингга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Фермернинг замонавий иссиқхонаси

***БУХОРО.*** *Ғиждувон туманидаги "Ҳамро Жумаев замин сардори" фермер хўжалиги жамоаси банкдан олинган 50 миллион сўмлик кредит эвазига иссиқхона барпо этди.*

Ҳозир 7 киши меҳнат қилаётган 50 сотихли иссиқхонада бодринг ва помидор етиштирилмоқда.

Эътиборлиси, жорий йилда вилоят бўйича 50 та иссиқхона қурилиб, ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан қарийб 5,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳаракатда – баракат

***ФАРҒОНА.*** *Қўқон шаҳрилик бир гуруҳ тадбиркорлар ташаббуси билан бўш ётган бино таъмирланиб, бу ерда терини қайта ишлайдиган корхона ташкил қилинди.*

Бунинг учун 456 миллион сўм маблағ сарфланди.

Муҳими, 30 киши иш билан таъминланган корхона томонидан буюртмачиларга дастлабки 65 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Модернизация шарофати

***СИРДАРЁ.*** *Янгиер шаҳридаги "Анвар нон" масъулияти чекланган жамиятида 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди.*

Хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда ойига 20 миллион сўмликка яқин нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Таъкидлаш керакки, тижорат банклари томонидан вилоятдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга жорий йилнинг ўтган 9 ойида 8 миллиард 343 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги мажмуа ишга тушди

***НУКУС***да *"Тауман қурилиш" савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.*

Банкдан олинган 700 миллион сўмлик кредит ҳамда тадбиркорларнинг 550 миллион сўмлик маблағи эвазига бунёд этилган ушбу мажмуадан 156 та савдо шохобчаси ўрин олган. Шунингдек, мажмуада ўнга яқин турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда, айниқса, 150 дан зиёд иш ўринлари яратилгани таҳсинга лойиқдир.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар-тренинг қатнашчилари олдида замонавий оммавий ахборот воситалари соҳасидаги етакчи мутахассислар, мамлакатнинг таниқли журналистлари сўзга чиқишди. Жонли, интерфаол усулда ўтган машғулотларда замонавий ахборот технологияларини эгаллаш, оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари орқали тушунтириш ишларини олиб боришнинг анъанавий шакл ва усулларидан фойдаланиш самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Чиқишларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва институциявий шарт-шароитлар яратилганлиги қайд этилди. Ўтган 10 йил мобайнида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баравар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баравар кўпайиб, уларнинг умумий миқдори 1200 тага етди. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар 6 миллион нафардан ошди.

Семинар-тренинг қатнашчилари Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг моҳияти ва мазмунини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига етказиш учун парламент аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари яратиб берилган кенг имкониятлардан фаол ва мунтазам равишда фойдаланишлари кераклигига эътиборни қаратдилар. Семинар-тренингда оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти жамоатчилик ҳамда парламент томонидан назорат қилинишини таъминлашнинг ғоят муҳим ресурси эканлиги ҳам таъкидланди.

Семинар-тренинг ишида сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари соҳалар бўйича доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, жамоат бирлашмаларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда ўз вақтида амалга оширилган инқирозга қарши чоралар боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу ҳорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, соғлиқни сақлаш, савдо, ёқилғи-энергетика, таълим, божхона каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

— Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда, — деди Тайланд Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги доимий котибининг ўринбосари Апичарт Чинванно. — Ташриф асосида мамлакатингиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Ишбилармонлар, шунингдек, Ўзбекистон ва Тайланднинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказдилар.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Халқаро кўргазма**

# ИЗЛАНИШ, ТАЖРИБА, НАТИЖА

*Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида қурилиш ва мебелсозликка ихтисослаштирилган "BuldExpo — 2010" бешинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси, "Ўзқурилишматериаллари" ҳамда "TNT Production Inc" компаниялари томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, Италия, Россия, Беларусь, Литва сингари еттита давлатнинг 40 та корхона ва компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.*

Маълумки, мамлакатимизда кейинги йилларда қурилиш ва бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Буни ўтган йили бевосита Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва жадал тус олган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар-жойлар қурилиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиши баробарида, аҳоли турмуш даражасини юксалтирмоқда. Қувонарлиси, бундай ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Энг муҳими, барпо этилаётган уйларнинг бари маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари билан узлуксиз таъминланаяпти. Бу жараёнда, табиийки, Президентимизнинг 2007 йил 1 июндаги "2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техника-вий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур тадбир эса ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга, хорижлик ҳамкорлар билан ўрнатилган алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Бунга ўтган йилги кўргазма давомида қарийб 3,5 миллиард сўмлик шартнома имзолаганимиз яққол мисол бўла олади, — дейди "Deks" масъулияти чекланган жамияти мутахассиси Бобур Саидалиев. — Қолаверса, юртимизда биз, тадбиркорларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар боис фаолиятимиз тобора ривожланмоқда. Масалан, корхонамизда дастлабки йилларда ғишт териш ва сувоқда ишлатиладиган 6 турдаги маҳсулотни тайёрлаган бўлсак, эндиликда уларнинг сонини 22 тага етказдик. Ҳозир маҳсулотларимизни четга сотиш устида изланаяпмиз. Ўйлайманки, кўргазма давомида ушбу мақсадимиз рўёбга чиқади.

— Кўргазма сабаб Ўзбекистон бозорига илк маротаба кириб келаяпмиз, — дейди "Ишик" корхонаси вакили Фейзи Шахин. — Корхонамиз уй ва офислар деразаси учун карнизлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерга ҳам ушбу маҳсулотларимизни олиб келганмиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулотларимизга қизиқиш билдираётганларнинг кўплиги келгусида юртингиз ишбилармонлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишимиздан далолат беради.

Шундай ишчан руҳда бошланган кўргазма 26 ноябрга қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** халқаро кўргазмадан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# МАҚСАД – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ушбу устувор вазифалар моҳиятэтибори билан суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга, қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга, қисқача айтганда, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат. Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифалардандир.

Тадбирда бу борада суд органлари олдида турган вазифалар, соҳани янада такомиллаштириш борасида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар хусусида фикрлашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М. Ражабова сўзга чиқди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Семинар**

# БЭМ: ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ ХИЗМАТ ТУРИ

*Маълумки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Айни пайтда бундай технологияларни янада такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тизим фаолиятини автоматлаштириш, сифатли ахборот алмашишни таъминлаш ҳамда солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани бунга мисол бўла олади.*

Бухгалтерга электрон мадад (БЭМ) дастури — шундай изланишлар самараларидан бири. Мазкур дастур давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисоботни ягона тизимлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали жисмоний ҳамда юридик шахслар билан тезкор ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, бу борадаги сарф-харажатларни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ўзбек ва рус тилларида бир хил ишлаш имконини берувчи бу илк миллий дастурдан фойдаланиш жуда осон. Яна бир эътиборли жиҳати, БЭМ дастурида бухгалтерия фаолияти тўлиқ қамраб олинган. Яъни фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир корхона, ташкилот, фирма ёки компания уни муваффақиятли ишлата олади.

Айни пайтда БЭМ дастурининг "БЭМ-Кичик корхоналар" шакли юртимиздаги кўплаб хўжалик юритувчи субъектларда жорий этилган бўлса, "БЭМ-Бозорлар", "БЭМ-Бюджет ташкилотлари", "БЭМ-Умумбелгиланган солиқлар" ҳамда "БЭМ-Таълим муассасалари" кўринишлари амалиётга киритилиш арафасида турибди. "БЭМ-Фермер хўжаликлари" ва "БЭМ-Умумий овқатланиш корхоналари" вариантларини тайёрлаш бўйича ишлар эса давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган семинарда шулар хусусида батафсил маълумотлар берилди. Унда иштирок этган пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотлар вакилларининг саволларига мутахассислар атрофлича жавоб қайтардилар.

**Д. МУРОДОВ.**

**Тадбир**

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## жуда муҳим ва долзарб масалалардан бири

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги фармойишига асосан, мамлакатимизда 15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Ушбу муҳим тадбир давомида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар хизматчилари, таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳоли ўртасида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан "Электр станциялари ва нимстанцияларининг ёнғинга қарши ҳимоясини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар тўғрисида" мавзуида семинар ташкил этилди. Унда давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010/2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя этиш, профилактик-огоҳлантирув тадбирларини янада кучайтириш ишлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий инновацион ютуқларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис ҳам корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида, аҳоли турар-жойларида ёнғин оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларни камайтиришга эришилмоқда.

Семинар давомида "Энергетика корхоналарида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш" ҳамда "Кабелли иншоотларда ёнғин хавфсизлиги" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Бундан ташқари, ёнғинга қарши автоматлаштирилган замонавий тизимлар, асбоб-ускуналар ва махсус автомобиллар кўргазмаси ташкил этилди.

**С. МАХСУМОВ.**

***Юртимизда банк-молия соҳасининг барқарор ва ишончли фаолият юритишини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида ушбу тизим иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишда асосий роль ўйнаяпти. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия институтларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётир.***

# МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТ ВА ФАРОВОНЛИК

Республикамиздаги йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган давлат-акциядорлик тижорат "Асака" банкининг Сурхондарё вилояти филиали фаолияти бунга яққол мисол бўлади. Гап шундаки, мазкур филиал жамоаси иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, минибанклар тармоғини кенгайтириш, акциядорлар ва бошқа мижозлар манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларга юқори даражада хизмат кўрсатиш борасида муайян ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, қишлоқ мулкдорлари — фермерларнинг ишончли ҳамкори ва молиявий таянчига айланмоқда. Жорий йилда пахта етиштирувчи 17 та фермер хўжалигига 674,8 млн. сўм миқдорида имтиёзли, шунингдек, уларга 9 ой ичида маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриш учун 1 млрд. 168 млн. сўм, зарур техникалар сотиб олишларига 10 млн. сўм миқдорида кредитлар берилгани бунинг тасдиғидир.

Банк пластик карточкаларни кўпайтириш, улар орқали амалга оширилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва яхшилаш, банкомат ҳамда савдо терминаллари инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳам изчил давом эттирмоқда. Жумладан, 2010 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 288 та ташкилот билан иш ҳақи лойиҳаларини сўм пластик карточкаларга ўтказиш бўйича шартномалар расмийлаштирилди. Натижада муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 24836 донага етказилиб, шундан 20176 донаси айнан иш ҳақи лойиҳа шартномаси орқали тарқатилди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мижозларнинг сўм пластик карточкасидаги қолдиқ маблағлари 1 млрд. 147 млн. сўмни ташкил этди. Бу — 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 514,4 млн. сўм кўп, демакдир.

Шу билан бирга, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш, автомобилларга ёнилғи қуйиш ҳамда аҳолидан нақд пул қабул қилувчи бошқа шохобчаларга жами 208 та терминал ўрнатилди. Айни пайтда биргина коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича 14 та терминал ишлаб турибди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони эса 194 тадан ортди.

**Хизмат**

Мижозлар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ўртасидаги ҳамкорликнинг йилдан-йилга яхшиланишига хизмат қилаётир. Исботми? Ўтган давр мобайнида филиал томонидан ушбу соҳа вакилларига барча молия манбалари ҳисобидан 7,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунинг 7,2 млрд. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келгани, айниқса, қувонарлидир. Ажратилган маблағнинг 2855,6 млн. сўми саноат, 489,7 млн. сўми қишлоқ хўжалиги, 200 млн. сўми қурилиш, 293,2 млн. сўми маиший хизмат кўрсатиш, 3295,0 млн. сўми савдо ва 226,9 млн. сўми эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилди. Жумладан, "Камалак" хусусий корхонаси 30 млн. сўм ҳисобига эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирган бўлса, "Пўлат Алп" хусусий фирмаси 50 млн. сўм молиявий кўмак эвазига гилам маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди. Муҳими, ана шу кредитлар шарофати туфайли 166 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу боис бугун қайси соҳани олмайлик, аёлларнинг ўз ўрни, мавқеи бор. Жумладан, тадбиркорлик соҳасида уларнинг сафи кенгайиб бораётир. Бунда банк филиалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сабаби, биргина жорий йилда 291 млн. сўм кредит тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш мақсадларига йўналтирилди.

"Асака" банкининг Сурхондарё вилояти филиали томонидан, шунингдек,аҳолининг кам таъминланган қатламига имтиёзли кредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда ҳозиргача 63 та ана шундай оилага 163,2 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Ўз навбатида, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар кутилган самарани бераяпти. Чунки омонатчиларга яратилаётган қулайликлар, хусусан, омонатларнинг дахлсизлиги ва уларнинг давлат томонидан кафолатланганлиги минглаб омонатчиларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Бугунги кунда филиалнинг жойларда 7 та минибанки ва 4 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда жисмоний шахслар омонатлари билан ишлаш йўлга қўйилган бўлиб, айни пайтда мижозларга юқори даромад келтирувчи "Яхши ният", "Сармоя", "Туҳфа" каби жозибадор омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағлари қабул қилинаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, республикамиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида хизмат қилмоқда. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори остида фаолият юритаётган мамлакатимиздаги етакчи банклардан бири — давлат-акциядорлик тижорат "Асака" банкининг Сурхондарё вилояти филиали жамоаси эса мижозларга тезкор ва ишончли хизмат кўрсатиш мақсадида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамламоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

# АДАБИЁТГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

## Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида ёш ижодкорлар семинари бошланди.

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, миллий ўзликни англаш, ёшларни ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш жараёнида миллий адабиётимизни изчил равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Адабиёт оламига ўз сўзи билан дадил кириб келаётган истеъдодли ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бунинг ёрқин далилидир.***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида иш бошлаган республика ёш ижодкорларининг "Истеъдод мактаби" семинари ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва мазкур уюшма ҳузуридаги "Ижод" фонди ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда юртимиздаги ёш ёзувчи ва шоирлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий адабиётимизни ривожлантириш, қалам аҳлининг самарали меҳнат қилиши учун зарур барча шароит ва имкониятни яратиш, меҳнатини қадрлаш ва эъзозлаш, бу йўналишдаги эзгу анъаналарни тиклаш ва уларнинг бардавомлигини таъминлаш, адабиёт оламидаги ёш истеъдодларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 февраль куни қабул қилинган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарори бу борадаги эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Мазкур фондни ташкил этилиши замирида халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамиятини кучайтириш, соҳа равнақи учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Ижод» фонди томонидан ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган қатор дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз ижодкорларга ёрдам кўрсатиш, ижодий кўрик-танловлар ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодини янада юксалтириш, элга таниқли ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Бир ҳафта давом этадиган семинарда ёш қаламкашлар ижодини атрофлича таҳлил этиш, уларни юртимиз ва жаҳон адабий жараёнидаги янгиликлардан бохабар қилиш, устоз адибларнинг маҳорат мактаби ва ижодий тўгараклар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилади. Семинар доирасида қизиқарли баҳс-мунозаралар, мушоиралар, фикр алмашувлар ва ижодий машғулотлар ўтказилади.

Тадбир иштирокчилари учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар, санъат, маданият ва адабиёт намояндалари ҳамда адабий нашрлар таҳририятлари ижодий жамоаси билан учрашувлар, ранг-баранг маънавий-маърифий тадбирлар, концертлар, ёш мусаввирларнинг кўргазмалари ўтказилиши белгиланган.

Мусадинова Қорақалпоқ давлат университетида таҳсил олади. Унинг бир қатор шеърлари турли нашрларда чоп этилган.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ёш адиблар ижодида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда, — дейди Сарвиноз. — Мазкур семинар адабиёт сирларини пухта ўрганиш, маънавий қарашларимизни янада юксалтириш, элга таниқли ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


## БИЛАСИЗМИ?

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

**Палата аъзоси бўлиб, сиз:**

- Ўзбекистон ва хорижда ишлаб чиқарилган минитехнологияларни харид қилиш бўйича маълумот олишингиз мумкин;
- ўз маҳсулотларингизни консигнация шартлари асосида Палата орқали хорижий бозорларда сотиш имкониятига эгадирсиз;
- таклиф қилаётган маҳсулот ва хизматларингизни мамлакатимиз ҳамда хориждаги кўргазмаларда имтиёзли шартларда жойлаштиришингиз мумкин;
- экспорт ва импорт қилувчи тадбиркорлар фаолияти ҳақида маълумотлар олишингиз мумкин;
- назорат органлари томонидан текширув ўтказилганда, Палата томонидан ҳуқуқий ҳимояга эгадирсиз.

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (+998 71) 239-18-42, 150-60-03.
«Call-center» телефони: (+998 71) 150-60-06.
«24 соат маслаҳат хизмати» телефони:
(8-800) 120-04-04
(барча қўнғироқлар бепул).
www.chamber.uz

11258/1318


## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Испания ҳуқуқ-тартибот идоралари мис ўғирлаш билан шуғулланиб келаётган йирик жиноий тўда аъзоларини қўлга олиш бўйича махсус амалиёт ўтказди.***

### Мис ўғриларининг "миси чиқди"

250 нафар қонун ҳимоячиси жалб этилган мазкур операция чоғида 36 нафар жиноятчи ушланди. Улардан 100 тоннадан ортиқ қимматбаҳо рангли металл далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, ҳозир миснинг бир тоннаси 8966 АҚШ долларига етган. Ривожланаётган мамлакатлар ва Хитойда ушбу металлга талабнинг кескин ошиб бораётгани бунга сабаб бўлмоқда.

### Корхонадаги кўнгилсизлик

***Исроилнинг Хайфа шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводида заҳарли газнинг сизиб чиқиши туфайли икки киши ҳаётдан кўз юмди.***

Яна қарийб тўққиз нафар ходим жабрланди. Кўнгилсизлик корхонада таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пайтда содир бўлган. Мутасаддиларнинг айтишича, газ фақат муассаса ҳудудида тарқалган, холос. Шу боис унинг атрофида истиқомат қилувчилар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

### Нарх ошишига қарши чора

***Хитой инфляцияга қарши курашиш мақсадида нефть, кўмир ва бошқа турдаги маҳсулотларни захирада сақлаб туришни тақиқлади, дейилади "Вашингтон Пост" нашри хабарида.***

Ҳукумат шу йўл орқали хом ашё нархи ошиб кетишининг олдини олишни мақсад қилган. Чунки айни пайтга келиб, мамлакатда истеъмол моллари, айниқса, бензиннинг баҳоси кўтарилиб бормоқда. Бундан ташқари, мамлакатда бюджет тақчиллиги 4,4 фоизга етган. Бу охирги 25 ой ичида қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир.

### Шериклик битими имзоланди

***НАТО бош котиби ва Афғонистон президенти Лиссабон шаҳрида НАТО ҳамда Афғонистон ўртасидаги узоқ муддатли шериклик шартномасини имзоладилар.***

Битимга кўра, келгуси йилнинг бошидан Афғонистондаги хавфсизлик учун масъулият маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларига топширила бошланади ва бу жараён 2014 йилнинг охирига қадар давом этади.

Бош котибнинг таъкидлашича, бу афғон халқига яна бир бор ўз мамлакатига эгалик қилиш имкониятини беради.

### Бир оз паст кўрсаткич бўлса-да...

***Латвияда ноябрь ойида ишсизлар сони 162 минг кишига кўпайган.***

Бу ҳақда "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги расмий маълумотларга таяниб хабар тарқатди. Гарчи бу октябрь ойига қараганда бир оз паст кўрсаткич бўлса-да, мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 14 фоиздан кўпроғи ишсизлик мақомини олган. Пойтахт Ригада эса бу миқдор 10 фоизга тенг.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.
ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.
Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.
Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.
ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;
Бундан ташқари:
ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.
КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.



СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
ИП ООО «PAKHTAKABEL ZAVODI»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию
- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
E-mail: pakhtakabel@mail.ru
Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.



Российский линолеум
тел. 234-48-11
факс 234-49-58
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси етакчи илмий ходим, физика-математика фанлари доктори Ёқубжон Ҳусанбоевга волидаи муҳтарамаси **СОРАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОМИХТА ЕМ 229,3 ▲ +1,1 | ШРОТ 202,8 ▼ -5,4 | ШЕЛУХА 110,1 ▲ +27,9 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 3600,0 ▼ -1153,8 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3628,3 ▲ +837,4 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3459,7 ▲ +285,1 | МАЗУТ 516,6 ▲ +44,3 | СУЮЛТ.ГАЗ 1989,3 ▼ -417,2 | КЎМИР(бўлк) 38,3 ▼ -0,04

***Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузаси олий таълим муассасаларида, хусусан, талабалар ўртасида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.***

# ЮКСАЛИШ МЕЗОНЛАРИ

**Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида ҳам бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар, таълим жараёни билан яқиндан танишди, талабалар билан суҳбатлашди.**

**"Ахборот асри" дея эътироф этилаётган XXI асрда ҳаётни информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлиги Юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланди.**

— Президентимизнинг ўқув даргоҳимизга ташриф буюриб, талабаларимиз билан дилдан суҳбатлашгани унутилмас воқеа бўлди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали раҳбари, физика-математика фанлари доктори Ниетбой Утеулиев. — Давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилган ўқув муассасамизда юзлаб иқтидорли ёшлар таҳсил олишмоқда. Уларга 48 нафар профессор-ўқитувчи билим сирларини ўргатаяпти.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2005 йил 2 июндаги "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур таълим масканида ўқув жараёни замонавий таълим стандартлари асосида олиб борилмоқда. Бу ерда информатика ва ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация ва ахборот сервиси йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Яна бир қувонарли жиҳати, ўтган йили университет филиали замонавий қулайликлар билан таъминланган янги бинога эга бўлди.

Талабаларнинг келажакда етук, салоҳиятли ва ўз соҳасининг малакали мутахассислари бўлиб камол топишида ўқув-илмий адабиётлар ва қўлланмаларнинг аҳамияти катта. Шу боис филиалда бу борада барча зарур шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда масканнинг замонавий ахборот-ресурс марказида 3800 дан ортиқ адабиёт, ўқув қўлланмалари мавжуд. Эътиборлиси, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг жойлардаги 5 та ҳудудий филиали ўртасида интеграциялашган "KARMAT-N" электрон ахборот кутубхонаси ташкил этилган. Бу лойиҳа корпоратив тармоқ сифатида фаолият юритмоқда.

**Таълим**

Филиалда 42 та ўқув аудитурияси, 4 та компьютер синфи, лингафон, физика-лаборатория хоналари, спорт зали ва майдончаси ишлаб турибди. Мавжуд 6 та проектор, 4 та электрон доска ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Албатта, яратилган бундай имкониятлар ўзининг ижобий натижасини бераяпти. Масалан, жорий йилнинг май ойида Тошкент ахборот технологиялари университетида "Ахборот хавфсизлиги" ҳамда "Компьютер графикаси" бўйича ўтказилган талабалар фан олимпиадасида университетнинг Нукус филиали 2-босқич талабалари Азизбек Қодиров ва Ринат Алимбетов муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашди. Филиалнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси ассистент-ўқитувчиси Э. Бобожоновнинг "Электрон ресурслар кутубхонасини бошқаришнинг амалий тизими — Elibari.uz" ва "Олий ўқув юртлари талабаларининг билимини баҳолаш учун тест дастури" лойиҳалари, 2-босқич талабаси А. Қодировнинг "KKDictionary ўзбекча-қорақалпоқча-русча электрон луғати" кенг миқёсда фойдаланиш учун патент олишга тақдим этилди. Дарвоқе, мазкур лойиҳалар ахборот-коммуникация соҳаси бўйича ўтказилган "BestSoft — 2010" кўргазмаси иштирокчилари, малакали мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган "Келажак овози" кўрик-танловининг шаҳар ва республика босқичларида ҳам филиал талабалари Г. Холмуратова, Ж. Собиров, Ш. Исмоилов, Қ. Сададдинов ва бошқалар муваффақиятли қатнашдилар.

— Президентимиз ўқув юртимизга ташрифи чоғида келажакда ким бўлмоқчи эканлигим, устозларим ҳақида сўрадилар, — дейди 2-босқич талабаси Б. Қалмуратов. — Мен компьютер-дастурловчи бўлмоқчи эканлигимни, ҳозирги кунда физика-математика фанлари номзоди, доцент Ш. Бурҳонов ва ассистент М. Пирназаров илмий раҳбарлигида "Қ-ЛИНГ" дастури устида иш олиб бораётганимни айтдим. Мазкур лойиҳа инглиз тилини ўқитувчи кўмагисиз мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Унда луғат ҳам мавжуд бўлиб, сўзларни инглиз тилидан қорақалпоқ тилига, қорақалпоқ тилидан инглиз тилига таржима қилиш мумкин. Ҳозир уни янада такомиллаштириш устида ишлаяпман. Ушбу дастур 2011 йилнинг январь ойида тайёр бўлади.

Бугун ўқув даргоҳида яратилган имкониятлардан завқланиб билим олаётган ёшларни кўрган кишида ҳавас уйғонади. Зеро, бундай эътибор ва ғамхўрлик тафаккурга қанот бағишлаши, шубҳасиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***"Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.***
***Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади".***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси.

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЁШЛАР ТАШАББУСИ

**Интилиш**

Жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари Концепцияни ўрганиш бўйича республикамизнинг бошқа олий таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, пойтахтимизда жойлашган 118 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотлари етакчилари, Мирзо Улуғбек туманидаги 52 та маҳалла фаоллари иштирокида бир қатор тадбирларни амалга ошириш ташаббуси билан чиқдилар.

Унга кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда республика "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши билан ҳамкорликда аҳоли орасида Концепция мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ва тарғиб қилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида республикадаги 74 та олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари талабалари учун бир кунлик семинар-тренинг ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур ташаббус доирасида университетда "Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — ислоҳотлар кафолати" мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Унда Концепциянинг асосий ғояларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг аҳамияти, келгусида ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда халқаро ҳуқуқий нормалар ва стандартлардан фойдаланиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

**Шаҳноза АКРОМОВА.**

# «ЎЗБЕКИСТОН – ЯГОНА ВАТАН!»

***Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон — ягона Ватан!" дўстлик фестивали ҳамда "Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Байналминал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси И. Латипов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори В. Володина ва бошқалар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча миллат ва элат вакилларининг аҳил-иноқ яшаши, меҳнат қилиши, ўз миллий қадриятларини ривожлантириши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганини алоҳида таъкидладилар.

Фестиваль доирасида миллий маданият марказларининг халқ амалий санъати ва миллий урф-одатларини акс эттирувчи кўргазмалари, рассом ва фотоҳаваскорларнинг ижодий ишлари намойиши бўлиб ўтди. Турли халқларнинг дўстлик, тинчлик, мустақил Ўзбекистонни таранним этувчи куй-қўшиқлари янгради.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Жўраев иштирок этди.

**Г. ТАНГИРОВА.**

# ОБ-ҲАВО

**(25 ноябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 13-18 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 2-4, кундузи 14-16 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК

**очиқ танлов савдосига таклиф этади.**

**Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги очиқ танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:**

**1.** Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Шоҳимардон қишлоғида жойлашган «Фарғона нефть базаси» унитар корхонаси балансидаги «Ёрдон» дам олиш маскани.

**Объект ҳақида маълумот.** Фойдаланиш ҳуқуқи билан ер участкасининг умумий майдони — 9403,17 кв.м., шу жумладан, бино ва иншоотлар майдони — 1841,12 кв.м., тупроқли майдон — 68,0 кв.м., асфальт майдон — 5632,28 кв.м., боғ ва гулзорлар — 264,0 кв.м.

**Бошланғич баҳоси** — 75 315 АҚШ доллари.

**Танлов савдосининг асосий шарти.** 75,315 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш, 9,8 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

**2.** Фарғона шаҳри, 69-сонли «Сўрхтепа» МФЙ, М. Исмоилов кўчасида жойлашган «Ahror-tex» хусусий фирмаси (собиқ «5-сонли КМК» МЧЖ) балансидаги «Сўрхтепа» дам олиш маскани.

**Объект ҳақида маълумот.** Фойдаланиш ҳуқуқи билан ер участкасининг умумий майдони — 4875,64 кв.м., шу жумладан, муҳофаза зонаси — 2020 кв.м., бино ва иншоотлар майдони — 381,64 кв.м., қаттиқ тўшамали майдон — 1271,10 кв.м., тупроқли майдон — 74,03 кв.м., боғ ва гулзорлар — 3148,87 кв.м.

**Бошланғич баҳоси** — 50 100 АҚШ доллари.

**Танлов савдосининг асосий шарти.** 50,1 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш, 25,4 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

**3.** Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Садриддин Айний кўчасида жойлашган «Навоймонтажавтоматика» МЧЖнинг 51 фоиз давлат улуши. Асосий фаолият тури — Навоий кон-металлургия комбинати объектларида ўлчов-назорат асбобларини ва ёнғин-қўриқлаш ускуналарини ўрнатиш.

**Бошланғич баҳоси** — 85 700 АҚШ доллари.

**Танлов савдосининг асосий шарти.** 85,7 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш, 70,0 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган санадан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани объектнинг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уйда (ДМҚ биноси мажлислар залида) 2010 йил 28 декабрь соат 11.00 да бўлиб ўтади. Танлов ҳужжатлари, уларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги тўлов «Respublika Mulk-Auksioni» ДКнинг қуйида кўрсатилган ҳисоб рақамига амалга оширилганидан кейин ҳамда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Танлов савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:** танлов қатнашчисининг талабномаси, танлов ҳужжатлари, шу жумладан, таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома), хорижлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда), талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси, танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда, икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизитлари, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва бошқалар илова қилинган ҳолда. Ҳужжатларни шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Талабгорлардан буюртманома қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) иш соати олдин (27 декабрь соат 18.00 да) тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-китоб-клиринг марказидаги МФО: 00014, СТИР: 201122696, 21508840000600289002 валюта ҳисоб рақамига АҚШ долларида ёки «Respublika Mulk-Auksioni» ДКнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО: 01041, СТИР: 206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг АҚШ долларига нисбатан тўлов кунидаги курси бўйича сўмда тўлашлари керак.

Ушбу кундаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган, деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2011 йил 4, 11, 18 январь ва ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11.00 дан бошлаб юқоридаги манзил ва шартларда ўтказилади.

**Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш манзили:**
**100003, Тошкент шаҳри,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 9-қават.**

*Телефон: (8-371) 239-83-95.*
*Факс: (8-371) 150-34-46.*
*E-mail: info@mulk.uz*
*www.mulk.uz*


**Бандлик**

***Миришкор тумани ҳокимлиги ҳамда туман бандликка кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.***

## Меҳнат бозори

Унда 36 та корхона ва ташкилот 324 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Якунда 214 нафар фуқарога ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


NEW HOLLAND

FIAT GROUP

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

TEL.: 120-60-97, 120-74-50.

NEW HOLLAND AGRICULTURE


***ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ**

**1.** «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 25 сентябрдаги № 187 (5102)-сонида эълон қилинган сервер ва компьютер техникаларини етказиб бериш бўйича тендер танловлари 2010 йил 22 ноябрда тасдиқланган тендер комиссия баённомасига асосан якунига етказилганлигини маълум қилади.

**2.** Тендер савдоси ғолиби I ва II лот бўйича «L&M Consulting Group» АҚШ компанияси, захирадаги ғолиб компания эса «Advantek International Inc» (АҚШ) деб топилди.

**3.** Қўшимча маълумотларни тендер комиссияси ишчи органига мурожаат қилиб олиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати, 100008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

*Телефонлар: (99871) 239-11-23, 239-47-49.*
*Тел./факс: (99871) 239-11-39.*
*E-mail: pension_uz@mail.ru, ShMansurov@mf.uz*

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 161,5 ▼ -2,0 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 173,5 ▲ +5,3 | АРМАТУРА 2202,8 ▲ +882,8 | ШИФЕР (1 лист) 12662 ▲ +33,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.00 Топширилди — 04.40 1 2 3 4 5